



2024 йил - «ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ Қўллаб-қувватлаш йили»

DANG'ARA

Dang'ara tumani
hokimligining gazetasi

Gazeta 1941-yil
6-iyuldan chiqqan boshlagan

№ 4
(7659)

08.02.2024

Туман ҳокимлигида Оила ва хотин-қизлар бўлими ҳамда маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларининг 2023 йилдаги фаолияти муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Танқидий-таҳлилий ўтган йиғилишда ўтган йил давомида хотин-қизларнинг юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва фаоллигини ошириш, уларнинг бандлигини таъминлаш, тadbirkorликка йўналтириш, маҳаллаларда оилавий ажримлар, аёллар томонидан содир этилган жиноятлар, таҳлили батафсил муҳокама қилинди.

Бу ҳақда туман ҳокими ўринбосари, Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи М. Азизованинг ҳисоботи эшитилди. Сарҳисоб йиғилишида хотин-қизлар билан ишлаш масаларида самарали иш ташкил қилган хотин-қизлар фаолларининг меҳнати алоҳида эътироф этилди, йўналишлар бўйича хато ва камчиликларга йўл қўйган маҳаллалар масъуллари қатъий огоҳлантирилди. Маҳфузахон МАЪРУФХОНОВА.

САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ



ҲОКИМ ВА ЁШЛАР УЧРАШУВИ



Туман ҳокими Боғиш МФЙ ёшлари билан учрашди. Очиқ мулоқот тарзида ўтган учрашувда ёшлар муаммоларини ҳал қилиш, улар бандлигини таъминлаш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш бўйича ўртоқлашилди.

Ёшларнинг ўнлаб мурожаат ва таклифлари батафсил ўрганилди ва улар ижобий ҳал этилди.



«Инсон» ижтимоий хизматлари марказлари ходимлари учун кейс-менежмент босқичлари бўйича семинар-тренинг ташкилланди.

СЕМИНАР-ТРЕНИНГ ЎТКАЗИЛДИ



Унда бош ижтимоий ходимлар, супервайзерлар ва маҳаллаларда комплекс хизматларни ташкил этувчи ижтимоий ходимлар иштирок этдилар.

Мақсад - иштирокчиларга ижтимоий иш соҳаси, кейс-менежмент амалиёти, кейс баҳолаш асослари, жумладан, бирламчи, мажмуавий баҳолаш, ижтимоий хизматларни режалаштириш модуллари асосида ишни ташкил этиш вазифалари тушунтирилди.

КУН МАВЗУСИ

- Ноқонуний кесилган ҳар бир дарахт ўрнига 100 туп кўчат экиш;
- «Яшил белбоғ» яратиб, жами 10 миллион туп дарахт экиш;
- Худудларда ҳаво, сув ва атмосфера-муҳитни ифлосланиш даражаси рейтингини жорий этиш;
- Автомобиль йўллари тизимида эскича ёндашувларга барҳам бериш;
- «Менинг худудим» платформасини ишга тушириш;
- Бюджет ҳисобидан қилинадиган барча ҳаридлар учун «Е-омбор» платформаси орқали амалга ошириладиган тизим жорий этиш;
- Қурилишда лойиҳалаштиришни тартибга солиш мақсадида қурилиш вазирлигида Лойиҳа офиси тузилади;
- Объектнинг фойдаланишга қабул қилиш жараёни рақамлаштирилиб, далолатномалар «Шаффоф қурилиш» орқали тасдиқланади.



ФАРЗАНДЛАР ТАРБИЯСИГА - ЭЪТИБОРЛИ БЎЛАЙЛИК



Фарзандлар тарбияси ҳақида буюк бобокалонимиз Абдулла Авлонийнинг: «Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир», - деган сўзлари нақадар ўринлидир. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида кун кеча ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам айнан таълим, соғлиқни сақлаш, рақамлаштириш, маданият ва спорт соҳаларида амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар кўрсатиб ўтилди. Зеро, таълим ва тарбия негизда айнан юқоридигилар муҳим ўрин тутади.



Бу борада мактабимизда «Фарзандларимиз келажагига бефарқ бўлмайлик» аксияси доирасида ота-оналар йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш давомида мактабнинг 8-синф ўқувчилари иштирокида «Мен сенга ишонаман», «Онамга», «Селфи» номли тренинг машғулотлар ўтказилди, ота-оналарни мадҳ этувчи

шеър ва кўшиқлар ижро этилди.

Мақсад - ўқувчи-ёшлар ва ота-оналар ўртасидаги муносабатларни яхшилаш, улар онгига ватанпарварлик, меҳр-оқибат, ота-онага ҳурмат, эътибор туйғуларини сингдиришдир.

Васила ТҲҲИЕВА,
26-мактаб психологи.

ОГОҲЛИК - ДАВР ТАЛАБИ

Таҳлилларга кўра, содир бўлаётган фавқулодда вазиятлар, ёнғинлар, газ-ҳаво аралашманинг чақнаши билан боғлиқ ҳолатлар аксарият ҳолларда носоз ва қўлбола газ ҳамда электр ускуналари, тармоққа ноқонуний уланиш, яроқлилик муддати ўтган газ баллонларини ишлатиш натижасида содир бўлаётгани барчамизга сир эмас. Юқорида келтириб ўтилган кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида туман ФВБ ходимлари ҳамда тегишли соҳа мутахассислари иштрокида жойларда кенг кўламли профилактик тадбирлар амалга оширилмоқда.



Ўрганишлар давомида аниқланган камчиликлар жойида бартараф этилиб, камчиликка йўл қўйган шахслар билан тушунтириш ишлари олиб бориляпти. Натижада содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда вазиятлар, ёнғинлар, ис газидан заҳарланишлар ва газ-ҳаво аралашмасининг чақнаши билан боғлиқ кўнгилсиз ҳолатларнинг олди олинмоқда.

К. АБДУЛЛАЕВ,
туман ФВБ бошлиғи, подполковник.

ҚОНУННИ БИЛМАСЛИК ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ҚИЛМАЙДИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда барча жабҳаларда кенг кўламли ислохотлар олиб бориляпти. Жумладан, фуқароларимизнинг чет элга чиқишлари-ни янада соддалаштириш ва уларга қулайликлар яратиш мақсадида ҳам бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Бироқ, имкониятлардан фойдаланган ҳолда ўз бурчларини унутган фуқаролар ҳам йўқ эмаслиги ачинарлидир.



Қонунни билмаслик бу жазодан ҳоли деган фикрни келтириб чиқармаслиги керак. Хусусан, ҳар бир фуқаро турмуш тарзи ва иш фаолияти давомида соҳа бўйича чиқарилган қонун-қоидаларга бўйсунмоғи лозим. Айниқса, чегара дахлсизлиги барча учун бирдек масъулият юклаши зарур. Буни юртдан четга чиқаётган ҳар бир киши унутмаслиги даркор.

Бугун ҳамюртларимиз орасида хорижда ишлаб, маблағ топувчилар талайгина. Шу ўринда бундай кишиларга қарата, нафа-

қат Ўзбекистон Қонунлари, балки, улар ишлаётган мамлакат қонун-қоидаларига тўлиқ амал қилинг, шундагина, ўзингизга жабр қилмаган бўласиз дея мурожаат этамиз.

Зеро, ҳар бир ҳуқуқий-демократик жамиятда қонун устувор. Уни ўрганиш ва амал қилиш эса барчамизнинг бурчимиздир.

И. САМИНЖОНОВ,
вилоят Транспортда ХТБ ходими.

З. МИРЗАЮНУСОВ,
вилоят ТХТБ ХПГ катта инспектори, майор.

ТУРКИСТОНДА ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИ

(Боши ўтган сонда)

Туркистонда жади́дчилик ҳаракатини вужудга келтирувчилар тепасида Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдуқодир Шуқурий (Шақурий), Саидахмад Сиддиқий - Ажзий (Самарқанд), Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Убайдулла Асадуллахўжаев (Убайдулла Хўжаев) Тошпўлатбек Норбўтабеков (Тошкент), Фитрат, Файзулла Хўжаев, Усмонхўжа Пўлатхўжаев, Абдувоҳид Бурҳонов, Садриддин Айний, Абдуқодир Муҳиддинов (Бухоро), Обиджон Маҳмудов, Хамза, Чўлпон, Исоқхон Ибрат, Муҳаммадшариф ҳожи Юсупов, Бобоохун Салимов (Хоразм) турарди.

Миллат истиқболини ўйловчи тараққийпарвар кучлар халқнинг деярли барча табақалари - хунароманд, деҳқон, савдогар, мулкдор, уламолар орасида

мавжуд эди. Зиёлилар дастлаб чоризмга қарши курашни халқни асрий қолоқликдан уйғотиш - сиёсий-маърифий жабҳадан бошлашга қарор қилдилар. Жади́дчилик ҳаракати ана шундай тарихий бир шароитда Туркистон минтақасида ривожланиш учун ўзига қулай замин топди.

Жади́длар элу улусга янги замон руҳини олиб киришга, уларни ҳаётга теран кўз билан боқишга, ўқиб, илм олишга, ҳунаро ўрганишга интилишга даъват эдилар. Саводхонликни ошириш орқали тараққиётга эришиш мумкинлигини газета-журналлар орқали тарғиб қилишга уриндилар ва бунга маълум даражада эришдилар ҳам.

Жади́длар орасидан етук олимлар, саноат ва зироатчилик мутахассислари, маданият арбоблари етишиб чиқиб, юртни обод ва Ватанни мустақил кў-

ришни орзу қилдилар ва шу йўлда фидойиларча курашдилар. Жади́дларнинг Туркистон мустақиллиги учун курашида асосан қуйидаги йўналишлар устувор эди. Янги усул мактаблари тармоғини кенгайтириш, қобилиятли ёшларни чет элга ўқишга юбориш, турли маърифий жамиятлар ва театр труппалари тузиш, газета ва журналлар чоп қилиш, халқнинг ижтимоий-сиёсий онгини юксалтириш билан Туркистонда миллий демократик давлат қуриш. Жади́д зиёлиларининг кучли партияси ташкил қилинган тақдирдагина бу ишларни амалга ошириш мумкин эди.

Шу тарзда, жади́дчилик ҳаракати 1906-1916 йилларда ўзининг асосий йўлини белгилаб олди. Жади́дларнинг нашрлари халқни янги давр бошлангани билан таништирар экан, ўзлигини англаб, уюлишга чақирди.

Ўлка моддий ва маънавий бойликлари таланаётганини ошкор қилди. Чўлпон шеър ва мақолаларида мустамлакачиларнинг асл қиёфаларини очиб ташлади. У. Хўжаев олий ўқув юртини ташкил этиш, солиқларни тартибга солиш, болалар тарбиясига жиддий эътибор бериш масаласини баён қилди. Лев Толстой билан фикрлашиш чоғида машҳур ёзувчини ён беришга мажбур этган У. Хўжаев чор ҳукумати маъмурларининг порахўрлиги ва золимлигини фош этиб, айримларини давлат ишидан четлатишга эришди. Муслмон аҳолисига амалий тарзда ёрдам бериб, мавжуд ҳокимият қонун-қоидаларини тушунтириб борди.

(Давоми бор).

Мақолани интернет хабарлари асосида Ўктамхон АҚБАРОВА тайёрлади.

Маълумки, давлатимиз раҳбари ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббусни илгари сурган эди.

БЕШТА МУҲИМ ТАШАББУС ИЖРОСИ

Биринчи ташаббус - ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади.



Иккинчи ташаббус - ёшларни жисмоний чиниқтириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган.

Учинчи ташаббус - аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган.

Тўртинчи ташаббус - маънавиятни юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этишга йўналтирилган.

Бешинчи ташаббус - хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутилади.

Ушбу беш ташаббус халқимиз, айниқса, ёшларимиз томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинган эди. Ташаббус доирасида мактабимизда ҳам ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида технология фанидан «Ёш технологлар» тўғараги фаолият юритмоқда. Машғулотда тўғарақ аъзоларига авиатехника сирлари ҳам ўргатиб борилмоқда. Бу эса, ёш авлод вакиллари келажакда барча соҳалар қатори технология фанининг ҳам етук мутахассислари бўлишларига хизмат қилиши, шубҳасиздир.

Хуршиджон РАҲИМОВ,
26-мактаб технология фани ўқитувчиси.

АЛИШЕР НАВОЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 580 ЙИЛЛИГИГА



ШОИР АСАРЛАРИНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ

Алишер Навоий асарлари ҳикматлар ҳазинасидир. Ёш авлодни комил инсонлар этиб тарбиялашда бобокалонимизнинг асарларидан фойдаланиш самарали воситадир.

Жумладан, эл-юрт иши, ташвиши, қувончи билан яшаш инсонийликнинг энг муҳим белгиси эканлигини А. Навоийнинг «Ҳайрат ул-аброр» достонидаги қуйидаги мисралар:

«Одами эрсанг, демагил одами,
Оники йўқ халқ ғамидин ғами» билан изоҳлаш мумкин.

Иймон инсон маънавиятининг кўзгусидир. Ёшлар тарбиясида иймон тушунчасини англашга ўргатиш ва шакллантириш жуда муҳимдир. Бу борада юқоридаги дostonдан олинган фикрлар:

«Кимки жаҳон аҳлига инсон эрур,
Билки нишони анга иймон эрур» жуда ўринлидир.

Яъни, инсонийлик белгиси иймондир. Дунё мавжудотлари орасида инсон мана шу буюк фазилатлари туфайли олам сарвари деб улуғланган.

Хулоса қилиб айтганда, Навоий асарларининг буюклиги шундаки, уларда олижаноб инсоний туйғулар тараннум этилади. Ёш авлодни маънан етук, комил инсон қилиб тарбиялашда шоир асарларидан фойдаланишнинг аҳамияти беқиёсдир.

Ҳамидаҳон АҚҚАРОВА,
20-мактаб ўқитувчиси.



Буюк бобокалонимиз З. М. Бобур ҳақида кўп нарсаларни биламиз. У Урта аср Шарқ маданияти, адабиёти ва шеърлярида ўзига хос урин эгаллаган. Ийрик давлат арбоби ва саркарда сифатида ном қозонган. Кенг дунёқараши ва мукаммал ақлзаковати билан Ҳиндистонда Бобурийлар сулоласига асос солган.

Ўзбек тилида сержило «Бобурнома» асари билан тарихнавис олимлар қаторидан жой олган.

Бобур шеърлярининг умумий ҳажми 400 дан ортиқ. Шулардан 119 таси ғазал, 231 таси рубоийлар, туюқ, қитъа, фард, маснавий каби жанрларда ижод қилган. Унинг лирик мероси «Қобул девони» ва «Ҳинд девони»га жамланган.

ТОПМАДИМ

Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим,
Кўнглумдин ўзга маҳрами асрор топмадим.

Жонимдин ўзга жонни дилафкор кўрмадим,
Кўнглум киби кўнгулни гирифтор топмадим.

Усрук кўзига токи кўнгул бўлди мубтало,
Ҳаргиз бу телбани яна хушёр топмадим.

Ночор фурқати била хўй этмишам, нетай,
Чун васлига ўзумни сазовор топмадим.

Боре борай эшигига бу навбат, эй кўнгул,
Нечаки бориб эшигига бор топмадим.


Бобур, ўзингни ўргатакўр ёрсизки, мен,
Истаб жаҳонни мунча қилиб ёр топмадим.

МУНОСАБАТ

«КУСТО ОРОЛИДА 10 КУН» АСАРИНИ ЎҚИБ...

МУҲАММАДЖОН ОБИДОВ

КУСТО ОРОЛИДА 10 КУН



Очиғини айтсам, бир неча ойдирки қўлимга китоб олмаган эдим. Инсон камолоти ва билимининг манбаи китоб билан боғлиқ эканлигини ҳам сал қолса, унуттаёзиман. Агар ҳамкасбим, «Фарғона шифокори» газетасининг бош муҳаррири Иқболжон Абдужабборов каминга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, устоз Муҳаммаджон Обидовнинг «Кусто оролида 10 кун» номли саргузашт асарини совға этмаганида, билмадим бу ҳолат яна қанчагача давом этар эди. Ушбу асарни

муаллиф «Мен раҳмдил Оллоҳнинг қўлиман», - деган жумлалар билан бошлаган. Дарҳақиқат, мен ҳам яратган Оллоҳнинг севимли қўлиман. Чунки, Эгамнинг марҳамати ила қўлимга китоб олиб, уни ўқиш, фикрлаш ва хулоса қилиш каби буюк бахтга яна муяссар бўлдим.

Аввало, асарда муаллиф ўзини Сарвар Обид дея номлаган. Манбааларда Сарвар исми - йўлбошчи, бошлиқ, раҳнамо, етакчи, илғор, пешқадам, сардор маъноларини англатар экан. Шунданми, қаҳрамонимиз ҳеч иккиланмасдан, ҳамроҳсиз бир ўзи «157 даража шимолий кенглик, 42,6 даража шарқий узунликда жойлашган, машҳур сайёҳ ва олим Кусто у ҳақида ёзган, лекин ўзи бора олмаган» (Бу жумлалар асарда келтирилган) оролга борганлиги, ҳали инсон оёғи етмаган бу жойни «Кусто ороли» дея кашф этганлиги ва ибтидоий тузум қабила вакиллари билан 10 кун яшаганлиги таҳсинга лойиқдир.

Асарни ўқир эканман, ҳаёлан Ҳасан (муаллиф кейинчалик оролда ўзига шундай ном берган), тилимизни билмасада, унга инсонийлик илтифотини кўрсатган, ҳар бир ишда Ҳасанга эътибор ва ғамхўрлик қилган Ҳусан (оролдаги қабила вакили) билан ўша оролда юргандек, уларнинг кўрган-кечирганларига гувоҳ бўлгандекман гўё. Шунингдек, оролдаги ибтидоий тузум кишиларида шукроналик, бир-бирларига ишонч, меҳр-оқибат, ҳурмат-эътибор, садоқат каби фазилатлар ҳам борлигини англаб етдим. Шу ўринда, улардан ибрат олдим, лекин ўша оролда туғилмаганимга шукрона ҳам келтирдим ва жаннатмакон Ўзбекистон фуқароси эканлигимдан чин маънода фахрландим.

Бир сўз билан айтганда, асар - ҳикматга, ибратга тўла десам, адашмайман. Унинг ҳар бир боби бизга яшашдан қай маънода ибрат излаш, умид, ишонч ва шукроналик каби ҳислатлар улашади. Тараққиётдан ортда қолган, лекин ҳаётдан мамнун қабила аъзоларининг ўз турмуш тарзидан хуш-хандонлиги бизда бугунги кунимиздан рози бўлиб яшаш нечоғли муҳим эканлигини яна бир бора ўқтиради.

Гулноза ЭРГАШЕВА.

«QO'QON ORTO SERVIS» МЧЖга 2018 йил 18 декабрда Ўзбекистон Республикаси ССВ томонидан «Гиёҳвандлик воситаларини ташиш, сақлаш, тиббиёт эҳтиёжлари учун фойдаланиш, психотроп моддаларни ташиш, сақлаш, тиббиёт эҳтиёжлари учун фойдаланиш ва йўқ қилиш» бўйича берилган Г.П. №008216-сонли лицензия йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ЖАРАЁНИДА МИГРАЦИЯ МАСАЛАЛАРИ

Умуман олганда, халқаро ва ички миграция оқимлари мураккаблик ва уларнинг кўлами жиҳатидан ҳам ошиб бормоқда. Хусусан, халқаро миграция ҳолатида муҳожирлар оқими сонини ўлчаш келиб чиқадиган мамлакатлар ва мезбон мамлакатлар ёки бир неча хорижий давлатларни қамраб оладиган доиравий оқимлар ўртасидаги кўп-лаб оқимларни ҳисобга олишни талаб қилиши мумкин. Халқаро миграция кўп миллатли, кўп оқимли ва кўп тилли жамиятларнинг шаклланишига олиб келадиган хилма-хилликни кучайтиради.

Мигрантларни рўйхатга олишни режалаштириш ва амалга оширишда, шунингдек, уларнинг тавсифлари ва белгиларини рўйхатдан ўтказиш учун контсепцияларни ишлаб чиқаришда мамлакатнинг миллий ҳуқуқий асослари ва ўзига хос бўлган шартлари эътиборга олиниши керак.

Умуман олганда, аҳолини рўйхатга олиш жараёнини ўтказиш бўйича тавсиялар асосий миграция белгилари:

ри: туғилган мамлакат, фуқаролик мамлакат, аввалги яшаш жойи, келиш вақти ва миграция сабаби, шунингдек, турли хил бошқа ички миграция маълумотлари бўйича маълумот тўплаш кенг қамровли қўлланма бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Рўйхатга олиш доирасида миграция нуқтаи назаридан икки хил жиҳат ажратилиши мумкин:

- халқаро мигрантлар ва халқаро миграция нуқтаи назаридан манфаатдор бўлган бошқа гуруҳларнинг сони ва келиб чиқадиган оқимларини халқаро оқимларнинг вақтинчалик ва географик хусусиятлари ҳақида маълумот билан ўлчаш;
- ички мигрантларнинг сони ва бундан ташқари оқимларини ички оқимларнинг вақтинчалик ва географик хусусиятлари ҳақида маълумот билан ўлчаш.

Тўлқин КИМСАНОВ,
туман статистика
бўлими бошлиғи.

ТАҲРИРИЯТГА ХАТ

Етти шажарани билиш ҳар бир фуқаро учун муҳим. Яқинда таҳририятимизга Жиззахдан ана шу мазмунда мактуб келди. Қуйида ушбу мактубни ўзгартирилмаган ҳолда ҳавола этмоқдамиз. Шу ўринда муштарийларимиздан бу мурожаатга эътиборсиз бўлмасликларини сўраб қоламиз.

БОЛТА ЯСОВУЛНИНГ
АВЛОДЛАРИНИ ҚИДИРЯПМАН

Мен Жиззах вилояти Зафаробод туманида яшайман. Касбим - журналист. Ғаллаорол туманининг Кичиксой қишлоғида 1955 йилда туғилганман. Авлодимиз юз қабилиси солин уруғи, давлай солин бўлагига мансуб. Бадиий ижод билан шуғулланганлигим учун яқинда авлодимиз шажараси туғрисида китоб ёзишга киришдим.

Авлодимиз шажарасининг биздаги мавжуд маълумотларига кўра, менинг 7-отам - Урозбой тахминан 1740-1750 йилларда туғилган. Унинг Ниёзбой, Болтабой ва Уроқбой исми ўғиллари бўлган.

Ниёзбой ва Уроқбойнинг авлодлари ҳақидаги маълумотлар мавжуд. Лекин Болтабойнинг авлодлари ҳақидаги маълумотларга эга эмасмиз.

Ота-боболаримиздан оғзаки тарзда ўтиб келаётган маълумотларга кўра, Болтабой Урозбой ўғли 1770-1780 йиллар оралиғида туғилган. Норғул, соғлом, уддабурон йигит бўлиб улғайган, сарбозликка қизиққан. Шу боис уни Қўқон хонлигига хизматга олишган. Тахминий ҳисобларимизга кўра, Болтабой Урозбой

ўғли Қўқон хони бўлган Олимхон даврида яъни 1801-1810 йилларда хоннинг ясовули бўлиб хизматни бошлаган. Манбааларда Қўқон хони Олимхон ўз ҳудудини кенгайтириш учун Жиззах, Зоминга ҳам юриш қилгани ёзилган.

Шунингдек, Болта ясовул Қўқоннинг 1810-1822 йиллардаги хони Умархон саройида ҳам хизмат қилган бўлиши мумкин. Қоравулбеги ёки навкарлар сафида бўлиб, ўша тарафда оила қурган. Болта ясовул йилда бир-икки марта ўзи туғилиб ўсган Кичиксой қишлоғидаги оғайни-қариндошларини кўргани келиб-келиб юрган. Ушанда у оиласи билан Қўқон атрофидаги музофатларда яшашини айтган. Болта ясовул ҳаётдан ўтиб кетгач, унинг фарзандлари билан алоқа узилиб қолган.

Ушбу мактубни ёзишдан мақсадим авлодимиз вакили - Болта ясовул ва унинг фарзандлари, авлодлари ҳақида маълумот топиш. Хонликда хизмат қилган Болта ясовул Қўқон шаҳри ёки шаҳар атрофидаги ҳудудлардан бирида яшаган. Айни пайтда ҳам Болта ясовулнинг авлодлари бор бўлса керак. Мактубимизни Болта ясовулнинг авлодлари ёки уларни билладиган кишилар ўқиса, мен билан алоқа боғлашларини сўрайман.

Телефон ва телеграм рақам:
(+99894-574-59-30).

Аҳмад БОЛИБЕКОВ,
Жиззах вилояти, Зафаробод
тумани, «Самарқанд» маҳалласи,
Завқий кўчаси, 1-уй, 2-хонадон.

DANG'ARA

Муассис:
Данғара тумани ҳокимлиги

Бош муҳаррир:
Ўқтамжон АКБАРОВА

Манзил: Данғара шаҳарчаси, Тошкент кўчаси, 124-уй

Телефон: (97) 555-62-10 | Газета ойда 3 марта чоп этилади

Масъул навбатчи:

Гулноза
ЭРГАШЕВА

Саҳифаловчи дизайнер:

Абдуҳамитхўжа Абдувалихўжаев

Газета Фарғона вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан 2007 йил 9 январда 12-018-сонли рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми: А-3. Адади: 1810 нусха.

Нашр кўрсаткичи: 64672.

Буюртма № 9750.



Газета «ЗАКОВАТ НАШРИЁТ УЙИ» МЧЖ
босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Косонсой шаҳри,
Чорбоғ кўчаси, 17-уй.

Мақола ва хабарларда келтирилган
маълумотлар учун муаллиф, газета сифати
учун босмахона жавобгар.